

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**541** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2012 йил 7 мартдаги 65-сон қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида

Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилувчи тадбиркорлик субъектларини қўшимча шарт-шароитлар билан таъминлаш мақсадида, «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида» 2011 йил 5 октябрдаги ЎРҚ–302-сон Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.*

WWW.LEX.UZ

**48-49 (548-549)-сон**

**— 13 —**

**541-модда**

Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2012 йил 7 мартдаги 65-сон қарорининг 5-бандидаги «кечи билан 2012 йил 5 октябргача» сўзлари «кечи билан 2013 йил 1 апрелгача» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 4 декабрь,  
341-сон